

12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 12 май • №18 (1402)

«БУГУН ДУНЁ ТАҲЛИКАЛИ БЎЛИБ БОРЯПТИ»

Президент Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташириф буюрди

Ҳарбий оркестр ижросида «Хотирлаш куйи» янгради. Давлат раҳбари «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган Зулфия ая Зокирова, унинг садоқатли келинлари ва етим қолган набиралари хотирасига бағишлаб барпо этилган. У ўзбек халқининг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши тимсоли сифатида боғ марказидан ўрин олган. Шу маънода «Матонат мадҳияси» урушда ўз боласидан, ўз ёридан жудо бўлган барча оналар, барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир. Боғда Куролли Кучлар тизимидаги кирувчи вазирик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам жам бўлди. Президент улар билан суҳбатда халқимизга табрикларини йўллади. «Бугун ушбу Ғалаба боғида туриб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман. Бундай дам-

ларда қахрамон ота-боболаримиз хотирасини ёдга олиб, уларнинг жасорати олдида таъзим қиламиз. Уларнинг тинчлик ва озодликка бағишлаган серқирра ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган буюк меросдир», – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари бу маскан уруш оқибатларини, тинчлик қадрини ёдга солишини таъкидлади.

«Бугун дунё таҳликали бўлиб боряпти. Ҳар дақиқа синовли бўляпти. Бу бизга ҳам таъсир қиладими? Албатта таъсир қилади. Лекин халқимиз ҳаётига шу таъсирни камайтириши бўйича чоралар кўряпмиз. Меҳнатимиз билан, бирдамлигимиз билан, Худо хоҳласа, бу синовлардан ҳам ўтамиз», – деди Президент.



ПРЕЗИДЕНТ НУРОНИЙЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 май куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди

Аввал Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида истиқомат қилаётган Аббос ота хонадонига борилди.

Аббос ота Аппанов 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1942 йил февралда Смоленск шаҳрига урушга бориб, кейинчалик Беларусь, Польша, Германияда бўлган шиддатли жангларда иштирок этган. 1946 йилда юртимизга қайтган Аббос ота узоқ йиллар Ачабод маҳалласидаги умумтаълим мактабида немис ва инглиз тили фанидан сабоқ берган, бошланғич синфлар учун «Немис тили» дарслигини ҳам ёзган. Бу инсоннинг тинчлик йўлидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланган.

– Сизларни кўриб, яқиндан гаплашай, ҳол-аҳвол сўраб, сиҳат-саломатлик тилай деб ўзим келдим. Аввало, сизни, сиз орқали барча уруш қатнашчиларини, халқимизни байрам билан табриклайман. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб, дуо-ўғийимиз бўлиб, ёшларимизга

намунга бўлиб юришларингизни тилайман, – деди Шавкат Мирзиёев.

– Аллоҳнинг инояти, давлатимизнинг гамхўрлиги ва меҳрибончилигидан мана шундай ёшларга етиб юрибмиз. Сизга ҳам Аллоҳдан мадад, халқимиз манфаати йўлидаги ишларингизга барака тилайман. Ҳурмат учун раҳмат, – дея миннатдорлик билдирди Аббос ота.

– Сизлар бу ҳурматга сазоворсизлар, – деди Президент.

– Кексаларни эъзозлаш улуғ қадриятимиз. Биз бунини давом эттиряяпмиз. Ёшларимиз ҳам билсин, бундан ўрнак олсин. Пиру бадавлат бобонинг фарзандлари ҳам нафақада. Бугун 21 нафар набира, 55 нафар эвара ва 7 нафар чевара билан умргузаронлик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида яшаётган Фёдор Федин хонадонига ҳам бўлди.

Фёдор Семёнович 1927 йилда Россиянинг Мордовия ўлкасида туғилган. 1944 йилда

армияга чақирилиб, урушда алоқачи ва инструктор вазифасини бажарган. Минск шаҳри яқинидаги жангларда иштирок этган. Уруш тугаганидан сўнг, бир неча йил Хитойда хизмат қилган. 1949 йилда Тошкент шаҳрига келиб, авиация заводида ишлаган. Кўплаб меҳнат мукофотларини кўлга киритган. Турмуш ўртоғи билан бирга икки кизни тарбиялаб, вояга етказган.

Президентимиз ушбу фахрийларнинг саломатлиги, яшаш шароитларини сўради. Бугунги тинчликка кўшган ҳиссаси, кўп йиллик самарали фаолияти учун уларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улугбек туманида яшовчи Акмал ота Акромовни ҳам зиёрат қилди.

Акмал ота 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йилда мактабни тамомлаб, машинасозлик заводида ишлаган. 1942 йилдан урушда қатнашиб, каттик ярадор бўлган. Юртимизга қайтгач, савдо, озик-овқат саноати соҳала-



рида меҳнат қилган. Нафақа ёшида Тошкент шаҳар Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти раиси, «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлими раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

– Урушда қатнашиб, қахрамонлик кўрсатиб, урушдан кейин давлатимизга жуда кўп хизмат қилиб, фарзандларни, невараларни тарбиялаб, мана шундай мўътабар ёшга етга-

нингиз жуда катта бахт-камол. Сизларнинг ҳаётингиз, ҳар бир гапингиз бизга мактаб. Илоҳим, соғлигингиз муштаҳкам, умрингиз янада узоқ бўлсин. Ёшларимизга сизларнинг йўлингизни, умрингизни берсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Акмал ота ҳам барча уруш фахрийлари номидан давлатимиз раҳбарини табриклади.

Эътибор ва эҳтиром

ФАХРИЙ ШИФОКОРЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

Сог'лиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ тиббиёт соҳаси фахрийлари хонадонига бориб, уларни байрам билан табриклади.



Мулоқот чоғида айтилганидек, шифокорлик — машаққатли касб. Ўзгалар дарди билан, уларнинг тақдири ҳақида қайғуриб яшаш, албатта, осон эмас. Беморларнинг тезроқ тузалиб, оиласи бағрига соғ-омон қайтиши эса нафақат тиббий муолажалар, балки ширин сўз ва меҳрга ҳам боғлиқ. Бутун фаолияти давомида қасамдига содиқ қолиб, шифокор номига доғ туширмаган, минглаб беморлар дуосини олган бундай фидойи инсонлар ҳамиша эъзозу эҳтиромга лойиқ.

— Сиз, соҳамиз фахрийлари ёшларимиз учун ҳамиша ибрат намунаси, — деди ва-зир учрашувда. — Тиббиётда фақат билим ва тажриба билангина муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бунинг учун сабр-матонат, қолаверса, жасорат ва фидойилик ҳам ке-

рак. Шифокор ҳар бир беморга ўз ака-укаси, опа-синглиси, яқинларидек муносабатда бўлсагина, халқ орасида ҳурмат, ном ва меҳр қозонади. Шундай устоз шифокорлар хонадонига келиб, уларга ўз миннатдорлигимиз ва эзгу тилақларимизни етказаятишимиздан мамнунмиз.

Саидакром ота Ҳасанов — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Бу йил роппа-роса саксон ёшни қарши олди. Заҳматкаш олим Тошкент педиатрия тиббиёт институтидаги узок йиллик фаолияти давомида юртимизда тиббиёт илмини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Минглаб бемор болаларнинг хасталиклардан халос бўлиши йўлида илмий изланишлар олиб борди, соҳада янгиликлар яратди. Олим ҳозир пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истико-

мат қилади. Айтишича, фаолияти давомида юзлаб шогирдлар етиштирган. Улар орасида тиббиёт фанлари докторлари ва фан номзодлари ҳам кўп. Қолаверса, Ҳасановлар — шифокорлар оиласи. Укаси Абдурахмон ака, синглиси Дилшода опа, турмуш ўртоғи Светлана Бобонова, ўғиллари Улуғбек ва Жалол Ҳасановлар ҳам шифокорлик касбини эгаллаган. Кенжа фарзанди Умидахон эса Тошкент стоматология институти талабаси. Набиралари орасида ҳам бобоси касбига ҳавасмандлар кўп.



Яна бир фахрий шифокор — Абдукарим ота Усмоҳўжаев 92 ёшда. Соғлиқни сақлаш тизимида қатор вази-фаларда меҳнат қилган. Пенсияга чиққач ҳам бўш ўтиргани йўқ. Ибн Сино жамғармасида илмий маслаҳатчи. Абдукарим ота Шайхонтоҳур туманида жойлашган файзли хонадонига суҳбат асносида ҳозир тиббиётимиздаги ўзгаришларни

диққат билан кузатиб бораётганини таъкидлайди. “Бугун шифокорлик касби улугланаётгани биз каби тизим фахрийларини хурсанд қилади, албатта. Тиббиётимиз эса халққа янада

яқинлашяпти. Беморларга кўплаб имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Буни фақат қўллаб-қувватлаймиз,” — дейди у мамнуният билан.

Мамлакатхон Маҳкамованинг ҳам тиббий таълим равнақи йўлидаги хизматлари бекиёс. Тиббиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент тиббиёт академиясидаги кўп йиллик фаолияти давомида минглаб шифокорлар тайёрлаш жараёнида иштирок этди. Кўплаб олимлар етиштирди. Мамлакат она ҳозир ҳам талабалар ҳаётидан узилиб қолмаган. Чунки хонадони шундоқкина Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган. Қолаверса, шогирдлари, ҳамкасблари тез-тез йўқлаб туради. Етмиш саккиз ёшли олима бугунги йўқловдан ҳам жуда жуда хурсанд бўлганини таъкидлади.

Вазир фахрий шифокорларнинг ҳар бирига “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони ва эсдалик совгаларини топширди. Фидойи тиббиёт ходимларини муқофотлаш тадбирлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтди.

@ssvuz

ФАРҒОНАДА ИЛК БОР МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида бир қанча оғир беморларда мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди.



Бемор одамнинг кўнглига ҳеч нима сиғмайди. Ўздан ўтганини ўзи билади. Фарғона тумани, Водил кишлоғи, Чимён маҳалласида яшовчи Абдуназар Тўраев ҳам йигирма беш йилдирки, юқори қон босимидан азият чекади. Йиллар давомида қилинган муолажалар эса самара бергани йўқ. Аксинча, йилдан-йилга

аҳволи янада оғирлашди. Касаллик зўрайиб, умумий ҳолатида салбий ўзгаришлар кузатила бошлади. Айниқса, охириги йиллар кучли бош оғриғи, хушдан кетиш, қўл-оёқларда ҳолсизлик, нутк чалқашини, кўриш қобилиятининг сустлашини каби асоратлар беморни анча ҳолдан тойдирди. Шу йил ўтказилган томография текширувларидан сўнг унда атеросклероз касаллиги аниқланиб, бош миёна кон томирлари тўсилиб қолгани маълум бўлди.

— Дарднинг яхшиси бўлмайди, — дейди Абдуназар ака. — Инсон касал бўлганида ҳаётнинг қадрини, саломатликнинг ҳақиқий қимматини ҳис қиларкан. Қола-


верса, хасталик аниқ бўлса-ю, даволанишга имконинг бўлмаса, бундан ёмони йўқ. Чунки чорасизликдан нима қилишни, қаердан нажот кутишни билмайсан. Мана шундай оғир пайтда вилоятимизда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси оиламиз жонига оро кирди. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиламан. Шифокорларнинг айтишича, яқин кунларда яна соғлом ҳаётга қайтарканман. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали кардиожарроҳи Ҳондамир Мамадалиевнинг айтишича, уйқу артериясини атеросклероздан тозалаш — анчагина мураккаб муолажа. Бунинг учун беморнинг бўйин қисми жарроҳлик йўли билан очилиб, бош миёна кетган артериал кон томирлари холестериндан тозаланади. Шуниси эътибор-

лики, бундай мураккаб операция Фарғонада илк бор ўтказилди.

Ана шундай оғир хасталикка чалинганлардан яна бири олтиариқлик Собиржон Раҳмонов бўлиб, 2021 йил январь ойида инсулт хасталигини бошдан кечирган. Шундан сўнг ўша йили май ойида унда кардиожарроҳлик операцияси ўтказилган. Бироқ бемор муолажадан кейин ҳам бутунлай соғайиб кетмади. Сўнгги тиббий текширувлардан кейин унинг уйқу артерияларини атеросклероздан тозалаш кераклиги маълум бўлди.

— Касалликнинг келиши осон, кетиши қийин экан, — дейди бемор. — Буни эса ўз бошимдан ўтказиб билдим.

Ҳа, бу каби эзгуликка йўғрилган саломатлик акцияси яна қанчадан-қанча инсонлар оиласига қувонч бағишлайди.



Аммо дард қанчалик оғир бўлмасин, инсон тушқунликка тушмаслиги керак. Айниқса, оилавий шароити даволанишга имкон бермайдиган биз каби беморларга давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани соғайишимизга янада ишонч бағишламоқда. Операциям муваффақиятли ўтди. Бунинг учун шифокорлардан миннатдорман.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

● Фарғона вилояти

БЕМОРЛАРГА ҚАЙТА ҲАЁТ, МИНГЛАБ ҚАЛЪЛАРГА УМИД ВА ИШОНЧ БАҒИШЛАМОҚДА

Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидан сўнг Фарғонада Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соғломлаштириш акцияси старт олди.




2022 йил 8 май. Фарғона шаҳри марказидаги “Тўқимачилар” маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан одамлар билан гавжум. Ўсмир ёшдаги йигит-қизлар, кекса ёшдаги нуруний отахон ва онахонлар, кўлида жажжи фарзандини кўтариб олган ёш оналар, болажонлар, кўйинки, юзлаб аҳоли Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган сайёр тиббий қабулга йиғилган.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлган очик мулоқотида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда вазирлик марказий аппарати жамоаси, республика

123 та оилавий поликлиника, 19 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 77 та оилавий шифокор пункти аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Кейинги йилларда юртимиз

тиббиёт тизимида бошланган жадал ислохотлар Фарғонада ҳам кенг қулоч ёзди. Соғлиқни сақлаш соҳасини одамларга янада яқинлаштириш, тиббий хизмат сифати ва қамровини ошириш борасида эса сезиларли ютуқларга эришиляпти. Аммо тизимда ҳали ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Хусусан, вилоятда бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини



даражасига кўра таснифланиб, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми туман, вилоят ва республика миқёсида белгилаб олинапти. Мураккаб жарроҳлик амалиётлари талаб этиладиган, бироқ даволанишга имкони йўқ беморларга эса шу ернинг ўзиде ордер расмийлаштирилмоқда.

Қабул давомида туман тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, аҳоли саломатлигини асрашда хусусий тиббиёт муассасалари ўрнини янада мустақамлаш, улар фаолиятига доир муаммоларни ижобий ҳал этиш, қолаверса, вилоятнинг олис ҳудудларида маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш, тез тиббий ёрдам хизматини мақбуллаштириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилляпти. Бундан ташқари, пойтахтдан келган энг малакали ва тажрибали шифокорлар томонидан Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали ҳамда туман тиббиёт бирлашмаларида оғир дардга чалинган, лекин даволанишга қурби етмайдиган беморларда давлат ҳисобидан аорта коронар шунтлаш, эндопротезлаш ҳамда буйрак кўчириш каби қатор мураккаб ва юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Эътиборлиси, ўтган бир ҳафта давомида вилоят тиббиёт муассасаларида 100 дан зиёд ана шундай мураккаб операциялар муваффақиятли бажарилди. Ушбу ноёб амалиётларнинг аксарияти эса вилоятда илк бор ўтказилмоқда.

мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Тадбир худди Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида бўлгани каби икки босқичда ўтказилляпти. Анъанага мувофиқ, дастлабки босқичда пойтахтдан келган мутахассислар гуруҳлар кесимида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманига тақсимланиб, жойларда “хонадонбай” тизими асосида аҳолининг тиббиётга доир муаммоларини ўрганмоқда. Қайси ҳудудда қандай касаллик кўп тарқалган бўлса, жойларга айнан шу йўналишдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг малакали шифокорлари бириктириляпти. Навбатдаги босқичда вазирликнинг махсус ишчи гуруҳи томонидан ҳудудлардаги ўрганиш натижалари яқунларига кўра, Фарғона шаҳри ва вилоятнинг бир қатор туманларида сайёр тиббий қабуллар ўтказиш режалаштирилган. Бугунги ўтказилаётган тиббий сайёр қабулда фуқаролар дастлаб рўйхатга олиниб, электрон тарзда тор соҳа мутахассислари кўригига йўналтирилмоқда. Шунингдек, бемор тиббий ёрдамга муҳтожлик



яхшилаш, олис ва чегара туманларида яшовчи аҳолининг тиббиётга доир муаммоларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш, узок маҳалларда тиббиёт пунктларини ташкил этиш орқали бу манзилларда яшовчи фуқаролар учун сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш борасида бир қатор муҳим вазифалар мавжуд. Эътиборлиси, вилоятда бошланган соғломлаштириш акцияси айна шу



ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари ва шифокорлари, тиббиёт олий ўқув юртлири олимлари ҳамда маҳаллий мутахассислар, жами 200 нафардан иборат махсус гуруҳ эрта тонгдан аҳолини қабул қилишга киришди. Маълумки, бугун Фарғона вилояти таркибида 4 та шаҳар, 15 та туман, 1058 та маҳалла бўлиб, уларда салкам 4 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Худудда



Бир сўз билан айтганда, Фарғонада бошланган соғломлаштириш акцияси тиббиёт тизимини халққа янада яқинлаштириш, юртдошларимизнинг инсон қадрини амалда сезишлари учун қилинган навбатдаги эзгу ва хайрли ишлардан бири бўлмоқда.

12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

ЗАМОНАВИЙ ҲАМШИРА: ДУНЁНИ ТЕРАН АНГЛАЙДИГАН, ИНСОН РУҲИЯТИНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН, ЎЗ ИШИНING ФИДОЙИСИ

Янги Ўзбекистонимиз кенг имкониятлар ва амаллий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина хизматини йўлга қўйиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “очиқ мулоқоти”даги белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда ҳамшираларнинг ўрни ва вазифаларини такомиллаштириш ҳамда жорий йилда қабул қилинган қатор қарорлар ижросини таъминлаш, хусусан “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш”, “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарорларда белгиланган вазифаларда ҳамшираларнинг нуфузини ошириш, врач олди қабулларини ташкил этиш, тиббий бригадалар фаолиятини шакллантириш, оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этишда ҳамшираларнинг вазифалари катта аҳамиятга эга. Хусусан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини янада такомиллаштириш, айниқса, кишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида Олий ҳамширалик иши мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларининг назарий ва амалий билим кўникмаларини оширишга кўмаклашиш, амалиётда ҳамширалар томонидан беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишда ҳамши-



рагинг фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Республикада шошилиш тиббиёт хизмат турларини шакллантириш, замон талаби даражасидаги шифо масканларини бунёд этиш ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш билан бир қаторда бирламчи тиббиёт бўғинини ривожлантириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу жараён аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш ва тизимга бўлган ишончини ортириш каби узлуксиз фаолиятлар билан уйғун равишда олиб борилмоқда. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда техникум ва коллежларда оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлашнинг мутлақо янги тизими яратилади. Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга бириктирилиб, уларнинг ўқувчилари ихтисослигидан келиб чиқиб



Патронаж тиббиёт ҳамшираси – бу ҳар бир хонадоннинг яқин тиббиёт ёрдамчиси, оила ва поликлиниканинг ишончли боғловчиси, хонадон аъзоларининг яқин дўсти, тезкор ҳимоячиси, тиббий барометри ҳисобланади.

яқиндан танишиши, 0-18 ёшгача болалар ва ўсмирлар, туғиш ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, кексалар, муайян касаллик бўйича тиббий рўйхатга олинганлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишларига, аҳоли орасида касалланишни олдини олиш, амалга оширилган ишлар ҳажмининг тўлиқлиги, хонадонлар аҳоли саломатлиги ҳолатини ўрганиш, тиббий санитария ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда фаол иштирок этиш, ёлғиз қариялар, ўзгалар парваршига муҳтожлар ва ногиронлар патронажи, ёш оилалар патронажи, кекса ёшдаги аҳолини профилактик кўрикка чакирувини ташкиллаштириш. Шунингдек, болалар орасида касалликларнинг олдини олиш, эмлаш ишларини тўлиқ амалга ошириш, болаларни профилактик эмлаш билан қамраб олиш, эмлашдан кейинги реакция кузатувини амалга ошириш. 1 ёшгача патронаж, ногирон болалар патронажи, ҳомиладорлар патронажи, чилла даври аёл патронажини амалга ошириш имкониятни яратади. Тиббиёт муассасаларимизда хизмат қилаётган ҳамшираларимиз ишини ривожланган мамлакатлар ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятига тенглаштириш мумкин. Тиббиётимиз юксак даражаларга эришаётган айна пайтда ҳамширалар ҳам шифокорлар билан бир қаторда меҳнат қилмоқдалар. Барча касалликларни даволашда, мураккаб жарроҳлик амалиёти жараёнида ҳамширалар шифокорларнинг “қўли, кўзи, сўзи” бўлади. Касалликни даволаш учун курашни “бемор-шифокор-касаллик” деб оладиган бўлсак, ҳамшира бу мувозанатни ижобий томонга силжитиш учун муҳим бўғин ҳисобланади. Аҳолига кўрсатила-

ётган профилактик тадбирларини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг апрель ва июль ойларида патронаж ойликлари ўтказилиб, унда фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар билан биргаликда ўзгалар парваршига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларни ҳолидан хабар олиш ва керакли ҳажмда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиб, патронаж ҳамширалар ишини рейтинг баҳолаш амалиёти татбиқ этилди.

Ҳамширалик ишида илмий изланиш, амалиётга янги технологияларни қўллаш, беморларни парвариш қилишда ҳамширалик жараёни ва ҳамшира ёзувларини амалиётга татбиқ этишда билим, малака ва кўникмаларини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, муаммони мустақил ажратиб ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ҳамширалик жараёнини амалиётга татбиқ этиб, уни амалга ошириш босқичлари ва кетма кетлигини тўлиқ бажариш, бемор тўғрисида тўлиқ маълумот йиғиш, ҳамширалик ташхисини қўйиш, беморлани мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича режа тузиш, уни амалга ошириш ҳамда баҳолаш каби ишларни тўлиқ ва сифатли амалга оширишга ёрдам беради. Ҳамшира ташхиси – ҳамширалик жараёнининг асосидир. Тиббий ташхис (врач ташхиси касалликнинг барча белгилари йиғиндисидан иборат бўлса, ҳамшира ташхиси – ҳамширалик иши мутахассиси томонидан қўйилиб, касалликнинг кечига тўғри баҳо бериш, бемор билан мулоқот услубига эга

12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

ЗАМОНАВИЙ ҲАМШИРА: ДУНЁНИ ТЕРАН АНГЛАЙДИГАН, ИНСОН РУҲИЯТИНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН, ЎЗ ИШИНING ФИДОЙИСИ

☞ Давоми. Боши 4-бетда

бўлиш, беморда касаллик оқибатида пайдо бўлган муаммоларни аниқлаш, шу асосда даво парваришлар режасини тузиш, мустақил равишда бемор кузатув кундалигини олиб бориш, беморда соғломлаштиришни ташкил қилишдир. Ҳамшира бундай ташхиси куйиш учун назарий билимларга эга бўлиш билан биргаликда амалий кўникмаларни ҳам мукамал билиши керак. Ҳамшира бемордан маълумот йиғиш жараёнидаги касалликнинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлаш учун бемор билан мулоқот (коммуникация) усулларини билиши лозим. Аниқланган белгиларга асосланиб ҳамшира, бемор муаммосини бартараф қилиш мақсадида парвариш ва даволаш режасини тузади. Ҳамшира тузилган режа асосида иш олиб борса, беморнинг тузалишига кафолат бўлади. Замонавий ҳамшира доимо бу билимларини мустаҳкамлаб, ўз устида иш олиб бориши, жаҳон тиббийти муаммоларини, касаллик давоси, парвариши қилиш ва олди олиниши усулларини билиши керак. Замонавий ҳамширалар ишидек юксак вазифага муносиб бўлиш учун шаклланишнинг кийин йўлини босиб ўтиш, бошқалар тажрибасини ўзлаштиришдан сақланиш ва ушбу касбни маҳаллий анъаналарнинг энг муҳим томонларини танлаб олиб ҳамда ҳозирги шароитларга мослаштириб асраб қолиш зарурдир. Янги ҳамширалар технологияларини, даволаш усулларини тадбиқ этиш, илмий асосланган ҳамширалар жараёнига ўтиш зарурияти янада кўп миқдорда юқори малакали, ҳамширалар иши замонавий стратегиядан хабардор мутахассисларни талаб этади. Бу тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди. Соғлиқни сақлаш тизимини децентрализациялашнинг ҳозирги шароитларида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати ва самараси сезиларли даражада бошқарув кадрларининг мос тайёргарлиги ва касбий ваколати ҳамда уларнинг ишини ташкиллаштиришга боғлиқ. Соғлиқни сақлашни ислоҳ этиш ҳамширалар иши раҳбарлари ва менежерларини, шунингдек, амалиётда ишлайдиган олий малакали тиббиёт ҳамшираларни тайёрлашни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида

олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан



янги босқичга кўтариш мақсадида, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллар ва аҳоли хонадонлари даражасига қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, бу борада авваламбор соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда рақобат муҳитини яратиш, илғор хорижий тажрибага асосан ходимларни касбий ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш орқали жойлардаги тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан хурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ва даромадини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучай-

тириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга (таънч, паст хавф гуруҳи, ўрта хавф гуруҳи, юқори хавф гуруҳи ва бошқалар) бўлинди, аҳоли гуруҳ мансублигига кўра белгиланган муддатларда тиббий кўриқлардан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги даврий кузатувга олинди. Жойларда патронаж ҳамширалар томонидан мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олиниши ҳамда уйга борган ҳолда уларга тиббий хизмат кўрсатилиши ва индивидуал патронажни амалга ошириши, профилактик кўриқлар ўрнига худуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий тиббий скрининг текширувлари ўтказилиши ҳамда патронаж кўриқларини мақбуллаштириб, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилиниб, патронаж ҳамширалар томонидан аҳоли хатлов-антропометриядан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш ти-

зимда олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармонига асосан, бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилди. “Тиббиёт бригадалари” фаолиятини ташкиллаштириш бўйича терапия, педиатрия, оила (патронаж) ҳамширалари ва дояларини “Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалари ишини ташкил этиш” ҳамда “Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими муассасаларида юқумсиз касалликлар бўйича мослаштирилган клиник протокollarни тадбиқ этиш, артериал гипертензия, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпканинг сунқали обструктив касалликларини интеграллашган усулда олиб бориш” мавзулари бўйича ўқитиш ишлари олиб бориламоқда. Шунингдек, тиббиёт бригадалари ўрта тиббиёт ходимлари (терапия, педиатрия, оила (патронаж) ҳамширалари ва доя) лавозим йўриқномалари қайта кўриб чиқилди, жойларда тиббий хизмат кўрсатишни соддалаштириш ва рақамлаштириш ҳамда ортикча қозғозбликни камайитириш мақсадида «тиббиёт бригадалари» махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланади. Президентимизнинг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Аҳолининг соғлом

овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида юртимиздаги бирламчи тиббиёт муассасаларидаги ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурлиги инобатга олиниб, ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бор оилаларга алоҳида патронаж ҳамшираси бириктирилиши, патронажнинг универсал-прогрессив модели ҳақидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш зарурлиги аниқланди. “Тиббиёт бригадалари”га бириктирилган ўрта тиббиёт ходимларининг малака ошириши, янги тизим бўйича билим ва малакасини ошириш тартиби белгиланиб, унда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари ўрта тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Педиатрия ҳамшираси иш фаолиятида бириктирилган аҳолига, жинси ва ёшидан қатъий назар бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, универсал-прогрессив модели асосида иш олиб бориш, карантин, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларни олдини олиш, бўйича тадбирлар ўтказилади.

Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

бириктирилган аҳолига, 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ва оила аъзоларига касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва асоратларини олдини олиш ишлари бўйича тиббий ёрдам кўрсатади. Чилла давридаги эмизикли аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар, янги туғилган чақалоқлар кўригини хонадонларда ўтказилади;

педиатрия ҳамшираси маҳалла фаоллари ва ижтимоий ходимлар билан ҳамкорликда

Давоми 6-бетда

12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

ЗАМОНАВИЙ ҲАМШИРА: ДУНЁНИ ТЕРАН АНГЛАЙДИГАН, ИНСОН РУҲИЯТИНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН, ЎЗ ИШИНING ФИДОЙИСИ

Охири. Боши 4 ва 5-бетларда

хонадонларда ногирон, сурункали касалликлар билан оғриган болалар кўригини ўтказиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

хизмат кўрсатиши доирасидаги болалар орасида шикастланиши, ногиронлик, бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиши ва камайтириши бўйича тадбирларда қатнашади;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирлар ўтказишида, яъни профилактик эмлашлар, бириктирилган ҳудуд ва уй хўжаликлари санитар ҳолатини умумий назорати, аҳоли орасида эпидемиологик вазиятни барқарор сақлаб туришида фаол иштирок этади;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, жумладан юқумли (сил, ОИВ/ОИТС, тери-таносил) ва юқумсиз (АГ, ҚД, ЎСОК, хавфли ўсмалар) касалликлар ва гиёҳвандликка қарши курашиши бўйича даволаш-профилактика муассасаларига йўналтиради;

бемор ҳуқуқларини, шу жумладан, ошкор қилиб бўлмайдиган ва бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларни сақлайди;

тиббий ҳисоб-китоб ва ҳисоботга оид ҳужжатларнинг тасдиқланган шакллари ўз вақтида ва сифатли юритади;

участка ҳудудидаги аҳолини рўйхатга олишини, уларнинг саломатлиги ҳолатини баҳолашни амалга оширади.

Бир сўз билан айтганда, ўзига бириктирилган ҳудуддаги ёш болалар оилалар ва ўсмирлар саломатлигига жавоб беради. Уларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Аҳоли вакиллари, хусусан, ўспиринлар са-

хамшира билан биргаликда ҳудуддаги болаларнинг ҳам руҳан ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши йўлида хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда бирламчи тизимда тиббиёт бригадалари фаолиятини ташкиллаштиришида “Бирламчи тизимда оналар ва болалари билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш” бўйича ўқитиш ишларини ташкил этиб, бугунги кунда миллий ва маҳаллий тренерлар тайёрланди. Тренерлар томонидан ҳар бир туман (шаҳар)лардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари тиббиёт бригадалари ўрта тиббиёт ходимларини ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад, болалар саломатлиги, ривожланиши ва ҳимоясини таъминлаш йўлида оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича патронаж тизимини ривожлантиришдир. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида патронажнинг универсал-прогрессив модели асосида аҳолини тизимли ва мақсадли патронаж

болалар эҳтиёжларига эътиборни қаратиб, уларнинг кизиқишларини унутмаган ҳолда улар билан доимий ишлаш, хавфсиз амалиётни таъминлаш учун даволаш-профилактика муассасалари меъёрлари ва қоидаларига мос равишда ўз фаолиятини амалга оширишини йўлга қўйишдан иборат. Бугунги замонавий тиббиётни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини рақам-



яратиш шунингдек, нодавлат тиббиёт ташкилотларининг фаоллигини ошириш ва улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида, Ҳамширалик иши фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлаш, хизматлар) турлари рўйхати шакллантирилди.

Ҳамширалик иши фаолиятини амалга оширишга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ўрнатилган тартиб билан бир қаторда қуйидаги талаблар қўйилди:

ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан амалга ошириши;

туман тиббиёт бирлашмасига маълумоти, амалда бўлган малакаси тўғрисидаги амалиётни ўтаганини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома нусхаларини тақдим этиши;

тиббий муолажаларни уй шароитида ҳамширалар томо-

нидан мустақил ва фақат шифокорларнинг ёзма кўрсатмалари асосида кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари доирасида бажариши;

ҳамширалик иши фаолияти билан шугулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши;

чекка ва олис аҳоли пунктларида, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида фақат ўрта тиббиёт ходимларидан иборат “тиббий пункт”ларни;

махсус автомобиль транспортлари платформасида “мобил тиббиёт”ни ташкил этилишига рухсат берилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кун ҳамшираси замон ўзгаришларини теран англайдиган, тиббиёт олами янгиликларидан хабардор, инсон руҳиятини яхши биладиган, ўз ишининг фидойиси, ширинсўз, меҳрибон бўлиши талаб этилади. * * *

Бугун пойтахтимизда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириши ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириши”, “2022-2026 йилларда оналик ва болалани муҳофаза қилишни кучайтириши тўғрисида”ги қарорларда белгиланган вазифаларда ҳамшираларнинг нуфузини ошириши, врач олди қабулларини ташкил этиши, тиббий бригадалар фаолиятини шакллантириши, оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаши ва соғломлаштириши дастурларини амалиётга жорий этишида ҳамшира ва акушеркаларнинг ролини кенгайтириши ҳамда 12 май – Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан “Инсон саломатлигини ҳимоя қилишида ҳамширалик ишининг нуфузини ошириши” мавзусидаги илмий амалий конференция бўлиб ўтмоқда.

Фуратдан фойдаланиб, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларини 12 май – Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлайман. Уларнинг масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қоламан.

Рихси САЛИХОДЖАЕВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси.



ломатлигига жавобгар бўлган педиатрия ҳамшираси доимий равишда ҳудуддаги ижтимоий муассасалар боғча, мактаб ва ўрта махсус касб хунар коллеж ва академик лицейлар билан ҳамкорлик қилиб туради. Ушбу таълим муассасаларида саломатлик тадбирлари, тиббий текширув ва бошқа жараёнларни олиб боради. Оила шифокори ва бошқа ҳамширалар педиатр

билан камраб олишдир. Маҳаллий тренерлар жойларда тиббий ҳамшираларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш ва жойларда ўқитиш ҳамда ўқув машғулотларини ташкил қилиш, патронаж ҳамшира томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар режасини тузиш, оиллага кенгайтирилган хизмат кўрсатиш ва ҳудудида мавжуд ташкилот, идоралар билан ҳамкорлик тадбирларида оила ва

лаштиришни жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда тиббиёт муассасаларида 5 та ахборот тизими, 8 мингта ИТ-оператор ҳамшираси штати жорий этилди. Мақсад эса аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соҳани янада такомиллаштириш, тизим ходимлари ва беморлар учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Эътиборлиси, сўнгги йилларда 3.029 та бирламчи ва даволаш профилактика муассасаларга юқори тезликдаги интернет тармоғи ўтказилди. Шу билан бирга, 3 турдаги маълумотномаларни “Электрон ҳуқумат” тизими орқали бериш бўйича идоралараро ахборот тизимига интеграция қилинди. Соҳага доир 5 та ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ўрта тиббиёт ходимларининг ўзини ўзи банд қилган ҳолда ҳамширалик фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

● Фарғона вилояти

“ЭНДИ ТОШКЕНТГА ДАВОЛАНГАНИ ЭМАС, САЁХАТ УЧУН БОРАМАН”

© Охири. Боши 3 бетда

Бугун орамизда оғир касалликка чалиниб, узоқ йиллар тўшаққа михланиб қолган ана шундай беморлар йўқ эмас. Бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам шифохонада ётиб даволанишга, ўз вақтида керакли муолажаларни олишига имкон йўқ.



Давлатимиз томонидан бугун шу каби юртдошларимиз саломатлигига алоҳида эътибор қаратилиб, кам таъминланган, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган шахсларнинг мураккаб операциялари бепул амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқотида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Фарғона вилоятида бўлиб ўтаётган соғломлаштириш акцияси эса аynи шу мақсадларни кўзда туттади.** Тадбир доирасида шу кунларда вилоятдаги қатор тиббиёт муассасаларида пойтахтдан келган малакали шифокорлар бошчилигида кўплаб юқори технологияли мураккаб жаррохлик амалиётлари бажарил-

моқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати ўтказилган ана шундай операциялар туфайли яна соғлом ҳаётга қайтган бир неча беморлар билан суҳбатлашди. “Ўтган уч йил ҳаётимдаги энг оғир дамлар бўлди” Ўзбекистон туманининг Беруний маҳалласида яшовчи 36 ёшли Гулбахор Саидахмедова уч йилдирки, оғир дарднинг азобини тортади. Ўтган бу вақт у учун ҳаётимдаги энг оғир дамлар бўлди. Аввалига бемор ҳаммаси яхши бўлиб кетар, деган умид билан яшаб юрди. Бироқ охир-оқибат касаллик уни тўшаққа михлади. Сўнгги текширувлардан сўнг эса унга оғир хасталик – икки томонлама коксартроз ташхиси қўйилди. Бу орада Гулбахор Саидахмедова вилоятдаги бир неча тиббиёт муассасасида муолажалар олиб юрди, аммо кутилган натижа бўлмади. Ши-

фокорлар беморда мураккаб эндопротезлаш операцияси ўтказиш лозимлиги, бу амалиёт эса жуда қimmatлигини айтганида, яқинларнинг иложсизликдан боши қотди. Фарғона вилоятида бошланган соғломлаштириш акцияси эса Гулбахорнинг қалбида соғайишга умид уйғотди.

– Инсон дардга чалиниб, тўшақда ётиб қолганида яқинларидан янада кўпроқ меҳр кутаркан, – дейди бемор. — Аммо



32 ёшли Ўғилой Ахмадалиева – Кува туманининг Аҳиллик маҳалласидан. Унинг оёғида ҳам бир неча ой аввал қаттиқ оғриқлар бошланган. Шу кунгача қилинган муолажалар эса қутилган натижани бермаган. Сўнгги ўтказилган томография текширувида ушбу беморга ҳам коксартроз ташхиси қўйилди.

– Тананг дарддан азоб чекиб турса, ҳеч қандай хурсандчилик тағимаскан, – дейди **Ўғилой Ахмадалиева.** – Айниқса, ўз оёқларинг билан юра олмасанг, бундан ёмони йўқ экан. Очиги, охириги пайтлар шу қадар тушқунликка тушиб қолдимки, “энди юра олмасам керак” деб ўйлагандим. Вилоятимизда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси ҳаётимга қайта умид бағишлади. Шифокорларнинг айтишича, яқин кунларда яна бемалол юра оларканман.



кези келганда ҳамма кадрларнинг ҳам сенга суянч бўла олмас экан. Давлатимиз эса ана шундай оғир дамда ёлғизлатиб қўймади. Қўлим “қалта” бўлиб, кимдан нажот кутишни билмай қолган пайтимда дардан соғайишимга, ўз оёқларим билан яна эмин-эркин юра олишимга ёрдам берди. Қувонарлиси, вилоятимизда ўтказилаётган соғломлаштириш акцияси туфайли пойтахтга боришимга ҳожат қолмади. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопед-

дия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари саъй-ҳаракатлари билан узоқ йиллик дарддан шу ернинг ўзида халос бўлдим. Насиб этса, энди Тошкентга даволангани эмас, саёҳат учун бораман.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Фарғонада бошланган соғломлаштириш акцияси доирасида ўтган бир ҳафта давомида вилоят тиббиёт муассасаларида 100 дан зиёд мураккаб ва юқори технологик операциялар муваффақиятли бажарилди.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

ИМКОНИАТ

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

“Тиббиётдаги ислоҳотлар инсон қадри учун”, тамойили асосида вилоятимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар Шофиркон туманида ҳам давом эттирилмоқда.



Давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт ходимлари билан ўтказилган “Очик мулоқот”да еттига муҳим йўналиш бўйича 5 йилликка мўлжалланган асосий ва устувор

топшириқлар берилган эди.

Айниқса, тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, бирламчи тизимнинг бу борадаги ўрни ва салоҳиятини янада ошириш бўйича

вазифалар белгилаб берилди. Қуни кеча Шофиркон туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш ҳам ислоҳотларнинг изчиллик билан олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Шофиркон туман ҳокимлиги биносига йиғилган масъуллар олдига бир қатор вазифа ва топшириқлар режа асосида белгилаб берилди. Йиғилишни вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Асқар Бахронов ҳамда туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Акмал Қозоқовлар олиб боришди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг масъул раҳбар ва бош мутахассислари, Республика ихтисослаштирилган марказларнинг вилоят филиаллари раҳбарлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари раҳбарлари, Республика шопилинч тез тиббий ёрдам ил-



мий марказининг Бухоро филиали раҳбарлари ҳамда Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиника ва кўп тармоқли мар-

казий полилиника, ошилавий шифокорлик пункти раҳбарлари, мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ишитроқ этишди.

Аҳолига самарали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида, аниқ дастурлар ва чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Маъмураҳон САФОЕВА,
Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси.

12 МАЙ – ХАЛҚАРО ҲАМШИРАЛАР КУНИ

ҲАМШИРАЛАРДАГИ КАСБ МАҲОРАТИ ВА ШИЖОАТ УЙҒУНЛИГИ

Мамлакатимизда ҳар йили 12-май Халқаро ҳамширалар куни сифатида кенг нишонланади. Эътирофлиси шундаки, кўп сонли ўрта тиббиёт ходимларининг меҳнати Президентимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Албатта, улар хизматидан юртимиз аҳли ҳам миннатдор бўлишмоқда.



Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Тошкент шаҳар Президент мактабида ҳам ўз касбига садоқат билан ёндошиб келаётган ҳамширалар таълим даргоҳидаги ўқитувчилар, ўқувчилар ва ишчи ходимлар саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар. Жамоада доимо соғлом муҳит



барқарор. Мактаб директори Тўрабой Шерматовнинг саяёҳаракати билан ўқитувчилар, ўқувчилар ва тиббиёт ҳамшираларнинг фаолиятига катта эътибор қаратилиб кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек, ўқувчиларга таълим бераётган маҳаллий ва хорижий ўқитувчилар, ўқувчилар саломатлиги режали тиббий кўрикдан ўтказиб келинади. Ўқувчиларни режали эмлаш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар етарли. Таъкидлаш муҳимки, ўтган давр мобайнида бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам коронавирусга қарши курашдаги оғир синновларда ҳам ҳам-



шираларимиз фаоллик билан иш олиб бордилар. Айниса, ўз касбига садоқат билан ёндошиб келаётган Гулбахор Турсунова ва Гул-

чеҳра Ҳамдамовалар бирликда мактаб ташкил этилганидан буён сидқи дилдан ўз вазифаларини бажариб келмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, 12 май - Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан барча ҳамшираларни муборакбод этамиз, уларга соғлиқ-саломатлик, фидокорона меҳнатларида куч-қувват тилаб қоламиз.

Феруза ЮЛДАШЕВА,
Тошкент шаҳар Президент мактаби
олий тоифали ҳамшираси.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

Судья Иқтисодий процессуал кодексида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризаси (ариза)ни иш юритишга қабул қилиб, иш қўзғатди.

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ўзи ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган муддатлар, суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда баён этилиши мумкин.

Суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши

керак. Алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Иш муҳокамаси суд мажлисида амалга оширилади. Суднинг мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Иш бўйича биринчи суд мажлиси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак. Суд ташаббусига кўра ёки иқтисодий суд ишлари иштирокчиларининг илтимосномасига кўра суд мажлисининг аудиоёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин.

Мажлисида раислик қилувчи судья ИПК нинг 165-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширади. Судьялар мажлис залига кириб келганида ва ундан чиқиб кетаётганида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан туради. Суд жараёни иштирокчилари судга «Хурматли суд!» деган сўзлар билан мурожаат қилади. Улар судга ўз тушунтиришлари ва кўрсатувларини, саволларга тик турган ҳолда жавоб беради. Бу коидадан четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин. Барча далилларни текшириш тугаганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Суд бундай материаллар мав-



жуд бўлмаган тақдирда, суд музокараларига ўтади. Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки чиқишларидан иборат бўлади. Музокараларда улар иш бўйича ўз нуктаи назарини асослайди.

Суд иш бўйича далилларни текшириш ва суд музокаралари тугаганидан кейин суд ҳужжатини қабул қилиш учун алоҳида хонага қиради.

Миркомил МИРМАҚСУДОВ,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманлараро
иқтисодий суди раиси

**Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 656 нусха.
Буюртма Г-540

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.